

Ёсин Қуръоннинг қалбидир



04:00 / 17.08.2022 2457

Имом Баззор Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир нарсанинг қалби бор. Қуръоннинг қалби Ўаасиндир. Мен унинг умматимдан ҳар бир инсоннинг қалбида бўлишини истардим», деганлар.

Бомдод намозидан кейин Ўаасин сурасини қироат қилиш ҳам кундалик вирдлар ичида бор.

Ёсин сурасини ўқишга тарғиб қилувчи ҳадислар бежиз келмаган

Имом Аҳмад, имом Абу Довуд, имом Насайй, имом Ибн Можа ва имом Ҳокимлар Маъқал ибн Ясор розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ёсин Қуръоннинг қалбидир. Ким уни Аллоҳни ва охират кунини умид қилиб ўқиса, албатта, мағфират қилинади.

Уни ўликларингизга ўқинглар», деганлар.

Мазкур ҳадиси шарифлар ва шунга ўхшаш бошқа ҳадисларга амал қилароқ, мусулмонлар ичида бу сураи каримани ёдлаш, уни доимо ўқиб юриш кенг одат тусига кирган. Агар бу амалга сураинг маъноларини англаб етиш ва тадаббур қилиш ҳам қўшилса, айна мурод ҳосил бўлар эди. Зеро, Ёсинни ўқишга бунчалар тарғиб қилувчи ҳадислар бежиз келмаган.